

"Ҳадис ва Ҳаёт" 36-жуз (MP3) "Зухд ва рақоиқлар"



17:38 / 07.04.2011 3246

"Ҳадис ва Ҳаёт" 36-жуз (MP3) "Зухд ва рақоиқлар"

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг «Зухд ва рақоиқлар» деб номланган 36-жузи ёзилган аудиодиск.

Туркумнинг ушбу жужининг аудиодискидан зоҳидлик ўз ичига нималарни олишини, рақоиқ нималардан иборат эканлигини ўрганишингиз мумкин. Зухд» сўзи луғатда бир нарсани тарк қилиш ва ундан юз ўгириш маъноларини билдиради.

«Зухд» сўзи уламолар истилоҳида дунё, мол-мулк, обрў ва мансабдан юз ўгиришни англатади.

Зухднинг мўмин бандага вожиб бўлган қисми охиратда зарар етказадиган нарсани тарк қилишдир.

Зухдга яқин маънони англатадиган «вараҳ» сўзи ҳам бор. Вараҳдан мурод, ҳалол нарсаларни олишдир. Зухд эса, ҳалол бўлса ҳам, ҳожатдан ташқари нарсани олмаслиқдир.

«Рақоик» луғатда «рақиқ»нинг жами бўлиб, «нозик», «ўта таъсирли» деган маъноларни билдиради. Бошқача қилиб айтганда, қалбни рақиқ, яъни юмшоқ қиладиган нарсалар, деганидир.

Рақоик Қуръони Карим ояти, ҳадиси шариф, мавъиза, кишининг қалбини юмшатадиган манзара ёки ҳолат бўлиши мумкин. Рақоик ҳисобланган нарсалар Аллоҳ таолодан кўрқишга, қалбнинг титрашига, кўзга ёш келишига сабаб бўладиган нарсалардир.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Номи: «Ҳадис ва Ҳаёт». 36-жуз. «Зухд ва рақоиклар» (CD MP3)

Нашриёт: «SEMURG' MEDIA» MChJ

Сана: 2011

Ҳажми: 713 дақиқа

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитанинг 83-сонли тавсияси ила нашр этилган

Ушбу аудио дискда қуйидаги маълумотлар билан танишасиз:

- Кириш
- Дунёдан огоҳлантириш ҳақида
- Хожатсиз бино яхшимас
- Бойлик қаноатдадир
- Ҳирс қўйиш ва чексиз умиддан сақлан
- Фақир ва фуқаролар фазли ҳақида
- Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг маишатлари
- Аҳли суффа
- Тилни тиймоқ - фарз
- Саломатлик узлатдадир
- Иймоннинг баркамоллиги зарари йўқ нарсани тарк қилишдадир
- Аллоҳ таолонинг ҳукмига сабр қилишда улуғ ажр бордир

- Қазо ва қадар ҳақида
- Қадар ҳақида низо қилиш керак эмас
- Ажаллар ва ризқлар чегаралангандир
- Қалблар роҳманнинг қабзасидадир
- Кофирларнинг болалари ҳақида ворид бўлган нарсалар
- Фитрат аҳли ҳақида келган нарсалар
- Ишлар хотимага қараб бўлади
- Амали солиҳга шошилиш вожибдир
- Аллоҳ таолодан хавфда бўлиш
- Аллоҳ таолога таваккал қилиш
- Рақоиклар ҳақида
- Жаннатга кириш аллоҳ таолонинг фазли ила бўлур
- Омонатнинг кўтарилиши
- Садақанинг фазли ҳақида
- Амри маъруф ва наҳйи мункар ҳақида
- Баъзи ўтганларнинг хабарлари
- Бешиқда гапирганлар
- Иблис ва унунг лашкарлари
- Жин ҳақида маълумот
- Мукаррам фаришталар
- Хулоса